


**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи  
чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича  
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Конунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2024 йилнинг 9 ойи давомида Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанциясида 943 нафар шахсга нисбатан 813 та жиноят иши (материал) кўриб тамомланган бўлиб, шундан 655 нафар (69,5 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 33 нафар (3,5 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, оқлов хукми чиқарилган, 39 нафар (4,1 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судига юборилган, 16 нафар (1,7 %) шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари бошқа асосларга кўра бекор қилинган, 200 нафар (21,2 %), шу жумладан 27 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари моддий зарар қоплангани сабабли ўзгаририлган.



Таҳлиллар, вилоят ва унга tenglashтирилган судлар апелляция ёки кассация ва тафтиш инстанциялари томонидан чиқарилган суд қарорларининг Олий суд тафтиш инстанциясида кўрилган қисмига нисбатан:

Сирдарё (20 %), Жиззах (18,3 %) вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (16,7 %) судлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиши;

Андижон (37 %), Сурхондарё (33,3 %), Хоразм (28,6 %), Самарқанд (27 %) вилоят ҳамда Тошкент шаҳар (27,6 %) судлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг ўзгартерилиши бошқа ҳудуд судларига нисбатан кўпайганини кўрсатмоқда.

Шу каби, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида 1 451 нафар шахсга нисбатан 1 328 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб тамомланган.

Иш кўриш натижаларига кўра, 812 нафар (56 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган бир пайтда, 295 нафар (20,3 %) шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилинган (шуундан 208 нафар (70,5 %) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган, 23 нафар (7,8 %) шахс МЖтКнинг 21-моддасига асосан жавобгарликтан озод этилиб, огоҳлантирилган, 64 нафар (21,7 %) шахсга нисбатан бошқа мазмундаги қарор қабул қилинган), 344 нафар (23,7 %) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартерилган.



Тафтиш инстанциясида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суд қарорлари деярли ярмининг ўзгартерилгани ёки бекор қилингани, айниқса 208 нафар (*жами кўрилган ишларга нисбатан 14,3 %*) шахснинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилгани кўйи судлар мазкур тоифадаги ишларни кўришга юзаки ёндашаётганини кўрсатмоқда.

Бу борада айниқса, Олий суд тафтиш инстанциясида:

Қорақалпоғистон Республикаси (35,3 %), Наманганд (29,4 %), Фарғона (28,1 %), Самарқанд (27,8 %), Тошкент (26,4 %), Навоий (25 %) вилоят судлари томонидан апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган суд қарорларининг бекор бўлиши;

Наманган (38,2 %), Андижон (31 %), Сирдарё (29,1 %), Сурхондарё (27,8 %) вилоят ҳамда Тошкент шаҳар (31,5 %) судлари томонидан апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган суд қарорларининг ўзгарилиши Республика кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатган.

Бунинг натижасида маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қутии судлар томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан Олий судга шикоят келтириш кўрсаткичи йил сайнин ошиб бормоқда.

Хусусан, 2018 йилда Олий суд тафтиш (назорат) инстанциясига маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларига нисбатан 190 та тафтиш (назорат) шикояти келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 880 та, 2022 йилда 1 416 та, 2023 йилда 1 590 та, 2024 йилнинг 9 ойида эса 2 224 ни ташкил қилган.

Мазкур кўрсаткичлар қутии судлар томонидан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш сифатини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Суд қарорларининг бекор бўлиши ёки ўзгарилишига жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қиласлик, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан текширмаслик, шахснинг ҳаракатларида хуқуқбузарлик аломатлари мавжуд ёки йўқлигига тўғри баҳо бермаслик, иш материалларининг қонун талаблари асосида тузилганига эътибор қаратмаслик каби моддий ва процессуал қонунбузилишлар сабаб бўлаётгани, келгусида ишларни биринчи, апелляция ёки кассация ва тафтиш инстанцияси судларида кўрилишида мазкур қонун талабларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Қуйида тафтиш инстанцияси томонидан суд қарорларининг ўзгарилиши ёки бекор қилишига сабаб бўлган айrim мисоллар келтирилади:

**Жазо тайинлашнинг асосий мақсадларидан бири маҳкумнинг янги жиноят содир этишини олдини олишидир.**

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2024 йил 23 январдаги хукмига кўра, О. Жиноят кодекси 116-моддасининг 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 14 мартағи ажрими билан хукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 12 июндаги ажрими билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг хукмига кўра, О. Қарши туман электр тармоқлари марказий усталик бўлими устаси вазифасида ишлаб келиб, ўз касбига нисбатан

бепарволик билан муносабатда бўлган ҳолда трансформатор пункти ичига бегона шахсларнинг тўғридан-тўғри киришини чекловчи чораларни кўрмаган.

Натижада 08.03.2015 йилда туғилган фуқаро К. маҳалла худудида жойлашган трансформатор пункти ичига кирганида, катта кучланишли электр токи уриб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олган ҳамда кўрсатилган тиббий ёрдам жараёнида унинг иккала қўли билак соҳасидан жарроҳлик йўли билан кесиб ташланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 45-бандида, Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айборд ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳукуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида раҳбарий кўрсатма берилган.

Шунга қарамасдан, биринчи инстанция суди О.ни хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган деб топган бир вазиятда, унга нисбатан муайян ҳукуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш масаласини муҳокама қилмаган.

Кассация ва тафтиш инстанцияси судлари ҳам мазкур ҳолатга эътибор қаратмасдан, ҳукмни ўзгаришсиз қолдирган.

Оқибатда, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 20 сентябрдаги ҳукмига асосан, суд қарорлари бекор қилиниб, О.га Жиноят кодекси 116-моддасининг 1-қисми билан Жиноят кодексининг 45-моддаси кўлланиб, 1 йилга электр тармоқлари АЖ тизимида ишлаш ҳукуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Йўл қўйган хато ва камчиликлари учун жиноят ишини биринчи, кассация ва тафтиш инстанцияси судларида кўрган барча судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқарилган.

*1-1802-2301/173-сонли иш*

**Қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда судларнинг жиноят содир этган чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ваколати назарда тутилмаган.**

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2023 йил 26 июндаги ҳукмига кўра, Л.га Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва бошқа моддалари билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида БХМнинг 600 баравари миқдорида, 180 млн. сўм жарима тайинланиб, жазо ижро этилгач, Л.ни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 17 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 14 майдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра, чет эл фуқаросини Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Мазкур қарор ҳамда бошқа меъёрий хужжатларда ҳам судларнинг жиноят содир этган чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ваколати назарда тутилмаган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 18 июлдаги ажримига асосан, суд қарорларининг Л.ни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш қисми бекор қилинган.

*1-1005-2302/16-сонли иш*

**Қонуний ҳаракати учун асоссиз маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга оид маъмурий иш тутатилди.**

Жиноят ишлари бўйича Фиждувон туман судининг 2024 йил 14 февралдаги қарорига кўра, К. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175<sup>8</sup>-моддасининг 4-қисми билан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 33-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари, яъни 990 000 сўм жаримага тортилган.

Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 21 майдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, К. Фиждувон туман Мактабгача ва мактаб таълими мудири лавозимида ишлаб келиб, Пешку тумани юридик мақомга эга бўлмаган деҳқон хўжалиги томонидан 2023 йил 29 август ва 26 сентябрда тақдим қилинган тижорат таклифларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқмасдан, давлат харидлари жараёнидан асоссиз четлаштирганликда айбланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 71-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида давлат

хариди тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) рўйхати белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори билан “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) Рўйхати” тасдиқланган бўлиб, унинг 27-бандига даволаш-профилактика ва таълим муассасалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш ҳам киритилган.

Шунга кўра, Қ.нинг Фиждувон туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири сифатида давлат мактабгача таълим ташкилотларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан ўзи истаган жамият билан тўғридан-тўғри шартнома қилишга ваколати бўлган.

Бу эса Қ.нинг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этмаганини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 15 августдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Қ.нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тутатилган.

*3-2006-2402/360-сонли иш*

**Кўпол процессуал қонунбузилишларга  
йўл қўйилиб тузилган маъмурий  
ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш  
тутатилди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2024 йил 26 мартағи қарорига кўра, Ч.нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 225-моддасининг 8-қисми билан Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи 3 йил мuddатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилиши белгиланган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 30 майдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, Ч. Туркия Республикаси фуқароси бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузгани учун 2024 йил 13 февраль куни маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамасдан, бир йил мобайнида мазкур ҳуқуқбузарликни такrorан содир қилганликда айбланган.

Биринчи ва кассация инстанция судлари иш материалларига ҳуқуқий баҳо беришда, маъмурий иш ҳужжатлари бир қатор қўпол процессуал қонун талаблари бузилган ҳолда тузилганига эътибор қаратмаган.

Хусусан, Ч.нинг қачон ва қаерда ҳуқуқбузарлик содир қилгани аниқланмаган.

Ч. чет эл фуқароси бўлса-да, унинг ўз она тилида сўзлашиш ёки таржимон хизматидан фойдаланиш хуқуқлари таъминланмаган.

Иш хужжатларида кўра, Ч.га У. таржимонлик қилгани кўрсатилган бўлса-да, тафтиш инстанцияси судида У. турк тилини тўлиқ билмаслигини, ўзбек тилидан турк тилига ёки турк тилидан ўзбек тилига тўғри таржима қила олмаслигини баён қилган.

Шунингдек, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан тўпланган далиллар бўйича судга оид хатшунослик экспертизаси ўтказилган бўлиб, унга кўра:

Ч. томонидан 23.03.2024 йил Тошкент туман ИИБ бошлиғи номига ёзилган тушунтириш хатининг биринчи ва иккинчи хатбошиси ҳамда шу куни тузилган баённоманинг орқа тарафидаги Ч. номидан қўйилган имзолар;

тилхатдаги У. номидан қўйилган имзо бошقا шахс томонидан уларнинг имзосига ўхшатиб қўйилгани ўз тасдифини топган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 15 июлдаги қарорига кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, Ч.нинг ҳаракатларида хуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий иш тутатилган.

*3-1122-2403/1563-сонли иш*

**Ҳаракатларида хуқуқбузарлик аломатлари мавжуд шахсгина маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.**

Жиноят ишлари бўйича Бандихон туман судининг 2024 йил 10 майдаги қарорига асосан, Ш.га Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Бандихон туман бўлимининг 2024 йил 8 майдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 60-моддасининг 3-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари, яъни 51 млн. сўм жарима жазоси тайинлаш ҳақидаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 13 июндаги қарорига асосан Кадастр агентлиги Бандихон туман бўлими ва биринчи инстанция судининг қарорлари бекор қилиниб, иш қўшимча суриштирув ҳаракатлари ўтказиш учун юборилган.

Суднинг қарорига кўра, Ш. ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасида қурилиш ишларини амалга оширганликда айбланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасида, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (mansabdar шахслар)

шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбордлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлаши кераклиги кўрсатилган.

Ушбу иш бўйича суриштирув органи ҳамда судлар томонидан мазкур Қонун талабларига амал қилинмаган.

Хусусан, Ш. суриштирув даврида ва суд жараёнида ўзбошимчалик билан қурилган уй ва тандирхонани собиқ турмуш ўртоғи Г. кургани ҳақида кўрсатув бериб келган. Буни Г. ҳам тасдиқлаган.

Тафтиш инстанцияси судида ҳам:

Ш. оиласвий келишмовчилик сабаб собиқ турмуш ўртоғи Г. билан ажрашгани, сўнг Г. 2023 йилда яшаш уйининг ёнбошидан унга тегишли бўлмаган ер майдонида ўзбошимчалик билан икки хона уй ва тандирхона кургани, бироқ Кадастр агентлиги Бандиҳон туман бўлими томонидан унга нисбатан асоссиз равишда жарима қўлланилган;

Г. ноқонуний қурилмани Ш. эмас, балки унинг ўзи қургани ҳақида кўрсатув берган.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 15 июлдаги қарори билан Кадастр агентлиги Бандиҳон туман бўлими ҳамда биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, Ш.нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати йўқ деб топилган ва маъмурий иш тугатилган.

Г.ни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 60-моддасининг 3-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш Кадастр агентлиги Бандиҳон туман бўлимига юклатилган.

*3-1-1915-2401/57-сонли иш*

**Жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати**